

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва  
Туркия Жумҳурияти Ҳукумати ўртасида  
муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни  
ҳимоя қилиш тўғрисида

**БИТИМ**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркия  
Жумҳурияти Ҳукумати, бундан буён Аҳдлашувчи Томонлар деб  
аталувчилар,

муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва  
маданий бойликлар билан алмашиш соҳасидаги ҳамкорликни  
яхшилашга интилиб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

**1-модда**

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон муаллиф билан ёки унинг  
меросхўрлари розилиги бўйича ҳар қандай восита орқали нашр  
этиладиган, бошқа Аҳдлашувчи Томон фуқаролари томонидан  
унинг ҳудудида яратиладиган илмий ва адабий ишларни қўллаб-  
қувватлайди.

**2-модда**

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон Аҳдлашувчи Томонларнинг  
муаллифлари ёки уларнинг меросхўрларига тегишли бўлган  
илмий ва адабий муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни тан олади.

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон қоидаларга тааллуқли бўлган  
унинг фуқаролари, шунингдек бошқа Аҳдлашувчи Томон  
фуқаролари унинг ҳудудида фойдаланадиган ҳуқуқларни ҳимоя  
қилишни ўз зиммасига олади.

**3-модда**

Муаллифлик ва турдош ҳуқуқларнинг пайдо бўлиши,  
мазмун ва тугатилиши давлати ҳудудида улардан фойдаланиш  
ёки уларни бузиш факти бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг  
миллий қонунларига мувофиқ белгиланади.

Муаллифлик ҳуқуқлари ва уларнинг бузилмаслиги ҳар қандай вақт жиҳатдан чеклашларсиз ҳимоя қилинади.

#### 4-модда

Муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун Аҳдлашувчи Томонларнинг масъул этиб тайинланган ташкилотлари, Битимни амалиётда татбиқ этишни амалга оширадилар. Ташкилотлар Битимга мувофиқ ҳимоя қилинган ҳуқуқлардан фойдаланишни тақдим этишга тааллуқли бўлган битимларни имзолайдилар, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муаллифларга кўмаклашадилар, муаллифлик ҳуқуқларини тақдим этиш бўйича ҳисоботни ўзаро ташкил этадилар ва тизимга соладилар.

#### 5-модда

Ушбу Битим 2-моддада кўрсатилган ишлар бўйича ҳуқуқларни тартибга солишни ва Битим кучга киргандан кейин ўз кучини йўқотмайдиган ҳуқуқларни ҳимоя қилишни қамраб олади.

#### 6-модда

Аҳдлашувчи Томонлар ушбу Битимни амалий татбиқ этиш учун муҳим бўлган ўз давлатларининг қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар.

#### 7-модда

Ушбу Битим бўйича барча тўловлар ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг амал қилувчи миллий қонунларига мувофиқ эркин конвертация қилинадиган валютада амалга оширилади. Бироқ тегишли ҳуқуқ эгасининг истаги бўйича тўловлар ва ҳисоблар тўлаётган Аҳдлашувчи Томоннинг миллий валютасида амалга оширилиши мумкин.

#### 8-модда

Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларига юборадиган барча ҳужжатлар ишчи тил ҳисобланувчи инглиз тилида тақдим этилади.

**9-модда**

Ушбу Битим Аҳдлашувчи Томонларнинг улар иштирокчилар бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатмайди.

**10-модда**

Ушбу Битим Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзаро ёзма розилиги бўйича тўлдирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.


**11-модда**

Ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва беш йиллик даврда амал қилади.

Бундан кейин Аҳдлашувчи Томонлардан ҳеч бири унинг бошланғич ёки тегишли амал қилиш муддати тугашидан олти ой олдин ёзма билдиришнома орқали уни денонсация қилмагунча, у беш йиллик даврларга ўз кучини сақлайди.

Тошкент шаҳрида 1998 йил "13" апрелда икки нусхада, ўзбек, турк ва инглиз тилларида тузилди, барча матнлар бир хил аутентикдир. Келишмовчиликлар бўлган ҳолда, инглиз тилидаги матн устувор бўлади.

Ўзбекистон Республикаси  
Ҳукумати учун



Туркия Жумҳурияти  
Ҳукумати учун

